

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛЛАРДА ГРАДУОНИМИК ҚАТОРЛАР ТУЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мазмуна Раҳимовна Отабоева

Қўқон давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ўзбек ва инглиз тилларида феъл сўз туркумига оид бўлган лексемалардан ҳосил қилинадиган даражаланиш қаторларида ўзига хос бўлган тамойилларни аниқлаш ва уларни тадқиқига бағишланган. Мақолада ўзбек тилига хос бўлган хусусиятлар инглиз тилидаги вариантлари билан қиёсланган. Турли тизимли тилларга мансуб бўлган ўзбек ва инглиз тилларидаги ўзига хосликлар очиқлаб берилган.

Калит сўзлар: Градуонимик қаторлар, даражаланиш қаторлари, феъл, лексема, содда феъл, қўшма феъл, фразема, семантик категория.

PECULARITIES OF FORMING OF GRADUONIMIC ROWS IN VERBS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

ABSTRACT

This article is devoted to the identification and realization of the principles in Uzbek and English languages, which have specific features in gradounimic relations among the lexemes which belongs to speech pattern of the Verb. The peculiarities in Uzbek language is compared with English language.

Keywords: Graduonimic rows, grading row, verb, lexeme, simple verb, compound verb, phrasal verb, semantic category.

КИРИШ

Даражаланиш қаторларининг асосий белгиси микдор ёки сифатининг тадрижий ўсиб ёки пасайиб бориши бўлиб, ҳаракат ёки ҳолатни англатувчи лексемалардан ташкил топган даражаланиш қаторларида ҳам бу сифатлар мавжудлиги билан бирга феъллар градуонимиясида ўзига хос хусусиятларга эгадир. Тадқиқотимиз феъллар градуонимияси экан, биз аввало феъллар иштирокидаги даражаланишни қай тарзда ва қандай тамойиллар асосида намоён бўлишлигини очиқлаб чиқамиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аввало, феъл лексемаларидан ҳосил бўладиган даражаланиш қаторларининг аъзолари тузилишига кўра якка сўздангина иборат бўлмай, феълларнинг тузилишига кўра хилма хиллиги орқали намоён бўлади. Феъллар тузилишига кўра содда (*бормоқ, музламоқ*), жуфт (*ўтди-кетди, олди-берди*), такрорий (*ўқиди-ўқиди, ёзди-ёзди*) ва қўшма (*норози бўлмоқ, таклиф қилмоқ*) феълларга бўлинади. Содда феъллар улар ўз навбатида туб (*бормоқ, ўқимоқ*) ва ясама феълларга (*музламоқ, бугланмоқ*) ажратилади. Юқоридаги барча феъл турларидан даражаланиш қаторлари тузиш мумкин. Феъллар бошқа сўз туркумларига қараганда структураси хилма хиллиги билан ажралиб туради. *Қилмоқ, бўлмоқ, этмоқ* каби туб феъллар ёрдамида бошқа сўз туркумлари билан бирикиб яхлит бир маъно акс эттирувчи қўшма феълларни ҳосил қилади: *насиб этмоқ, таклиф қилмоқ, рози бўлмоқ* каби. Бошқа сўз туркумларидаги даражаланиш қаторларидан фарқли ўлароқ феълларнинг битта даражаланиш қаторида тузилишига кўра фақат бир хил бўлган ёки турлича структурага эга бўлган феъл лексемалари иштирок этиши мумкин. Ҳатто маъно жиҳатидан лексик бирликлардан фарқланувчи, даражаланиш қаторини давом эттирувчи, тўлдирувчи фразеологик бирликлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Феъллардан тузиладиган даражаланиш қаторларида синоним ва антонимларга эга бўлган лексемалар иштирок эта олади, чунки градуонимия бир-бирига яқин маъноли сўзлар билан бирга қарама-қарши маъноли сўзлар орқали ҳам намоён бўлади. Қутблари бир бирига қарама-қарши бўлган даражаланиш қаторларини мисол келтириш мумкин: *бошламоқ → давом эттирмоқ → тугатмоқ*. Қўшма феъллар феъллар таркибининг катта миқдорини ташкил этганлиги ва семантик жиҳатдан ўзаро яқин ёки зид маъноларни ифодалагани боис даражаланиш қаторларида уларнинг иштироки аҳамиятлидир. Ҳар қандай тилда бир-бирига яқин ва зид маъноли сўзлар орасида соф синоним ва антонимлардан ташқари ибора ва фраземалар, стилистик синонимлар ва антонимлар, шунингдек контекстуал синонимлари ҳам мавжуд. Шунинг учун даражаланиш қаторлари ҳосил қилишда нафақат феълларнинг тузилишига кўра нафақат содда ва қўшма феъллардан, балки фраземалардан ҳам фойдаланилади. Масалан, *қимирламоқ → қўзғалмоқ → силжимоқ → сурилмоқ → қадам босмоқ/қадамламоқ → юрмоқ → тезлашмоқ → пизилламоқ → югурмоқ → елмоқ*

→қуюндек учмоқ даражаланиш қаторида содда феъллар билан биргаликда қуюндек учмоқ фраземаси ҳам иштирок этиб ҳаракат суръатининг ортиб боришини ифодалаш учун фойдаланилган.

Инглиз тилида ҳам феъллар тузилишига кўра содда (*move, walk*), ясама ва кўшма феълларга бўлинади. Инглиз тилидаги ҳосил қилинган даражаланиш қаторларида ҳам ўзбек тилидаги каби содда феъллар билан бир қаторда иборалар ва идиомалар ҳам иштирок этмоқда. Масалан, *budge*→*stir*→*transfer*→*move*→*walk* →*run*→*scamper*→*jog* →*trot*→*gallop* →*rush* → *print* даражаланиш қатори фақат соф феъллардан тузилган бўлса, *work*→*beaver away*→*toil*→*slave away* →*keep at it* →*slog (away)* → *keep one's nose to the grindstone* градуонимик қаторида *beaver away, slave away, keep at it, slog (away)* каби фраземалар ва *keep one's nose to the grindstone* идиомаси иштирок этмоқда.

Даражаланиш қаторларини ҳосил қилишда яна бир аҳамиятли хусусиятларидан бири сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, даражаланаётган бир лексема ёки фразема бирдан ортиқ даражаланиш қаторларида иштирок этиши мумкин, бунда албатта даражаланишга турлича ёндашиш мумкин. Ушбу лексема ёки фраземанинг ишлатилиш кўламига кўра маъноларини инобатга олган ҳолда ҳар хил градуонимик қаторларнинг аъзоси бўла олади. Мисол учун, 1) *сайр қилмоқ* → *юрмоқ* → *кезмоқ*; 2) *қимирламоқ* → *қўзғалмоқ* → *силжимоқ/сурилмоқ* → *қадам босмоқ/қадамламоқ* → *юрмоқ* → *тезлашмоқ* → *пизилламоқ* → *югурмоқ* → *елмоқ* → *қуюндек учмоқ* даражаланиш қаторларида *юрмоқ* феъли иштирок этмоқда. Биринчи қатор узок масофага пиёда юриш бўйича даражаланган бўлса, иккинчисида *юрмоқ* ҳаракатнинг суръатининг ортиб бориши бўйича ўзаро маъновий муносабатда градуонимик қатор ҳосил қилган.

Инглиз тилида ҳам худди шундай даражаланиш қаторлар мавжуд. Буни *walk* феъли мисолида кўришимиз мумкин: 1) *walk*→*stride*→*footslog* →*trek* →*hike*; 2) *budge*→*stir*→*transfer*→*move*→ *walk* →*run*→*scamper*→*jog*→*trot*→*gallop* →*rush* → *print*. Бу ерда *walk* феъли юқоридаги хусусиятларига кўра икки хил даражаланиш қаторида иштирок этган.

Юқоридаги мисоллардаги *юрмоқ* ва *walk* феъллари ўз маъносида ҳаракатнинг давомийлиги ва ортиб боришига кўра турли даражаланиш қаторлари ҳосил қилган. *Эшитмоқ*→*тингламоқ*→*қулоқ солмоқ* ва *эшитмоқ*→*билмоқ/хабардор* бўлмоқ→*ўрганмоқ*→*текишмоқ* даражаланиш

қаторларидаги *эшитмоқ* лексемаси ҳар икки қаторда икки хил маънода иштирок этмоқда. *Қулоққа чалинмоқ*→*эшитмоқ*→*тингламоқ*→*қулоқ солмоқ* градуонимик қаторида *эшитмоқ* ўз маъносида қулоқ орқали товушларни қабул қилишни англатиб, товушларни қабул қилишда диққатлилигининг ошиб боришига кўра даражаланишда иштирок этган. Иккинчи градуонимик қатордаги *эшитмоқ* лексемаси маълумотдан хабардор бўлишни билдирувчи контекстуал маънода маълумот ишончилигининг ошиб бориши кўра даражаланиш ҳосил қилмоқда.

Инглиз тилидаги *hear* феълининг ҳам бир неча хил маънолари бўлиб, ўзбек тилидаги маънодошлари англатган семантик муносабатни айнан ифодалаши мумкин:

- 1) *overhear*→*hear*→*listen*;
- 2) *hear* → *be informed* → *find out* → *learn* → *glean*.

МУҲОККАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шунингдек, ўзбек тилида феъл нисбатларининг таъсири даражаланиш қаторларида акс этиши мумкин. Масалан, *алдамоқ* → *аврамоқ* → *лаққа туширмоқ* даражаланиш қатори ҳаракат ўзи томонидан амалга оширилганлиги ифодаласа, *алданмоқ* → *авранмоқ* → *лаққа тушмоқ* қаторида эса бошқалар томонидан ҳаракат бажарилганлигини билдиради. Яъни биринчи даражаланиш қатори *алдамоқ* → *аврамоқ* → *лаққа туширмоқ* аниқ нисбатда, иккинчи *алданмоқ* → *авранмоқ* → *лаққа тушмоқ* қатори эса ўзлик нисбатда берилмоқда. Ҳар икки даражаланиш қаторидаги лексемалардан англашилган маъно турличадир.

Баъзи бир градуонимик қаторлар тузишда феълларнинг гендер хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тузиш талаб этилади. Бунда одамларга хос бўлган гендер хусусиятли феъллар назарда тутилмоқда. Масалан, суҳбат жараёни қизғинлигининг ортиб боришига кўра: *ўртоқлашмоқ*→*жўралашмоқ*→*улфатлашмоқ*→*отамлашмоқ* даражаланиш қаторидаги *жўралашмоқ*, *улфатлашмоқ*, *отамлашмоқ* феъллари эркакларга нисбатан қўлланилади. Аёлларга нисбатан эса бу сўзлар ишлатилмайди. *Гаплашмоқ*→*чақчақлашмоқ*→*лақиллашмоқ*→*гийбатлашмоқ* даражаланиш қаторидаги лексемаларнинг аксарияти, *чақчақлашмоқ*, *лақиллашмоқ* асосан аёлларга хос ҳисобланади.

Сўзлараро маъновий муносабатларда инсонларга ёки бошқа предметларга нисбатан қўлланиладиган сўзлар маъносини ҳам фарқлашни тақозо этади. *Оқармоқ* → *бўзармоқ* → *қизармоқ* → *пишмоқ* даражаланиш қатори мева (масалан, узум)га нисбатан қўлланилиб, унинг пишиб етилгунича бўлган ҳолатларини акс эттиради. Агар ушбу қатордаги *пишмоқ* феълени олиб ташланса, *оқармоқ* → *бўзармоқ* → *қизармоқ* қаторини инсонга ва мевага нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлиб, бунда бирон бир нохуш вазиятдаги инсон ҳолатини ифодалаши мумкин.

ХУЛОСА

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга кўра феълларда даражаланишда куйидагиларни эътиборга олишимиз мумкин:

даражаланиш қаторларидаги феъллар содда, қўшма феъллар ва фраземалардан ташкил топади, яъни бир даражаланиш қатори фақат битта лексеманинг ўзи билан эмас унга маънодош бўлган иборалардан, қўшма феъллардан иборат бўлиши мумкин;

феъл сўз туркумига оид сўз ўз ва контекстуал маъноларига кўра бир неча даражаланиш қаторларининг аъзоси бўла олади;

феъл нисбатлари ҳам даражаланиш қаторларидан англашиладиган маъноларни фарқлашда аҳамиятга эга;

бир даражаланиш қатори кўчма маъносида ҳам инсонларга, ҳам бошқа предметларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги феъл сўз туркумига кирувчи лексемалардан юқоридаги феъл семантик гуруҳларига оидларини алоҳида ажратиб, улардан даражаланиш қаторлари тузиб, саралаб чиқдик. Унга кўра энг кўп даражаланиш қаторлари ҳолат феълларидан тузилганлигини аниқладик. Ундан сўнг ҳаракат, натижали фаолият, нутқ, муносабат ва тафаккур феъллари кетма кетликни эгаллади. Ўтказган тадқиқотимиз натижасига кўра ўзбек тилида барча феъл семантик гуруҳларида градуонимия ҳодисасини кузатиш мумкин. Аксарият феълларнинг синоним ва антонимлари мавжудлиги боис, икки кутбли даражаланиш қаторларини яъни макро ва микро градуонимик қаторларини тузиш имконияти мавжуд.

REFERENCES

1. Мадраҳимов И. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. Фарғона 2008.

2. Гаппоров М., Қосимова Р. Инглиз тили грамматикаси. Тошкент, 2008.
3. Джумабаева Ж.Ш. Плесиионимия и градуонимия в английском и узбекском языке. European journal of literature and linguistics/2015/№2.
4. Джумабаева Ж.Ш. On lexical graduonumy. Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки./2011.